*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган,
**E-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com
**web sayt:** www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 29 сентябрь, пайшанба
39 (411)-сон,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com



Қашқадарё вилоятидаги **11609** нафар партия аъзосининг **6799** нафарини ёшлар ташкил этаётгани янги авлод вакилларининг партия сафида тутган ўрни салмоқли эканидан далолат беради

03 ислоҳот



**2010** йилда Бухорода сайёҳларга **4** млн. **502** минг АҚШ доллари миқдорида хизмат кўрсатилиб, ялпи хизмат миқдори **9** млрд. **400** млн. сўмга етказилди

04 иқтисодиёт



Кейинги уч йил мобайнида бошланғич ташкилотлар сони **7234** тадан **7583** тага, намунали БПТлар сони эса **1020** тадан **1247** тага ошган

05 бошланғич ташкилотларида

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲУДУДЛАРДА МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

**O`ZLIDEP ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИДА МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ ИШТИРОКИДА «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ РУХСАТНОМАЛАР БЕРИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда партия электорати билан ишлаш самарадорлигини ошириш, кўп жиҳатдан, фракция фаолиятида янги шакл ва усуллардан фойдаланиш, қонун ижодкорлиги борасидаги ишлар сифатини ошириш учун жамоатчилик билан ўзаро алоқаларни фаоллаштиришга ҳам боғлиқ экани алоҳида таъкидланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси С.Исмоиловнинг таъкидлашича, Президентимиз томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари ниҳоятда муҳим эканини инобатга олиб, O`zLiDeP фракцияси томонидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Унда янги қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва экспертизадан ўтказиш жараёнига кенг жамоатчилик билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларини ҳам жалб қилиш назарда тутилган.

2 ►►

# Халқаро тажрибадан — мукаммал қонунчиликка




**O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ САНОАТ, ҚУРИЛИШ ВА САВДО МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИДА ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ. УНДА 2011 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ СОНИ 22,8 МИНГТАГА КЎПАЙИБ, ТАРМОҚДА 331,2 МИНГТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛГАНИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ**

Тадбир иштирокчиларининг фикрича, иқтисодиётимизнинг таянч кучига айланиб улгурган хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, энг аввало, соҳани тартибга солувчи қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш билан боғлиқдир. Ўтган давр мобайнида парламент томонидан қабул қилинган 400 дан зиёд қонунлар мулкдорлар қатлами учун ҳуқуқий замин яратди. Натижада ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши қарийб 53 фоизни ташкил этмоқда.

2 ►►

*Ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим.*

*Ислом КАРИМОВ*

# Таълимга эътибор — келажакка эътибор

**ЮРТБОШИМИЗНИНГ «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ» АСАРИДА ТИЛГА ОЛИНГАН АНА ШУ ЖУМЛАЛАРНИ ҚАЙТА-ҚАЙТА ЎҚИР ЭКАНМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНДА 1991-2003 ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА 1 МЛН. 893 МИНГ ЎҚУВЧИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ МАКТАБ ҲАМДА 152,8 МИНГ ЎРИНЛИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҚУРИЛИБ, ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛГАНИ ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАНОҚ БУ СОҲАГА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАНИНИ АНГЛАТАДИ**

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат миллий дастури доирасида эса 2004-2009 йилларда жами 8501 та мактабда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Энг асосийси, ана шу мактабларнинг 81 фоизи ёки 6888 таси қишлоқ, 287 таси эса олис тоғ ва чўл ҳудудларида барпо этилди. Уларнинг барчаси замонавий мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, спорт анжомлари ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Натижада қишлоқ мактаблари ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган даражада кўркам ва замонавий қиёфа касб этди.

4 ►►

XXI ASR
ижтимоий-сиёсий газетаси

**2012**

йил учун обуна бошланди

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
**E-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com
**web sayt:** www.21asr.uz






# Фармон ижроси учун масъулмиз

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҲАМДА «БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ЮЗАСИДАН O`ZLIDEP ФАОЛЛАРИ КЕНГ ТУШУНТИРИШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР**

Партия Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан кеча ташкил этилган навбатдаги давра суҳбатида мазкур ҳужжатлардаги меъёрий қоидаларнинг ҳаётимизга татбиқ этилиши тадбиркорлар сонининг кескин ортиши ва уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётда хусусий сектор улуши ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигининг янада ўсишига олиб келади.

2 ►►

# Ўзбекистон матбуоти намойиши

**«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА 28 СЕНТЯБРЬ КУНИ «ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» МИЛЛИЙ ФОРУМИ ВА КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Форумнинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу йўналишда иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиётида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислоҳотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эришган ютуқларимизни холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс.

Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан миллий матбуот ва оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, журналист кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

3 ►►

БУГУНГИ СОНДА:

**БУНЁДКОРЛИК**

Пастдарғомда тармоқ ва корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун **17,7** млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилгани, экспорт ҳажми эса январь-июнь ойларида **15,4** млн. АҚШ долларини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. **2011** йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига **68** та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, **751** та янги иш ўрни яратилган.

07 ►

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 27 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,**
статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | |
|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ▼ | 1699,79 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ▼ | 2699,54 |
| 1 Дания кронаси | ▼ | 314,74 |
| 1 БАА дирҳами | ▲ | 475,59 |
| 1 АҚШ доллари | ▲ | 1746,60 |
| 1 Миср фунти | ▼ | 292,68 |
| 1 Исландия кронаси | ▼ | 14,82 |
| 1 Канада доллари | ▼ | 1688,19 |
| 1 Хитой юани | ▲ | 273,52 |
| 1 Малайзия ринггити | ▼ | 548,04 |
| 1 Польша злотийси | ▼ | 535,16 |
| 1 СДР | ▼ | 2723,28 |
| 1 Туркия лираси | ▲ | 952,81 |
| 1 Швейцария франки | ▼ | 1918,08 |
| 1 ЕВРО | ▼ | 2379,84 |
| 1 Жанубий Корея вони | ▼ | 14,75 |
| 1 Япония иенаси | ▲ | 228,70 |
| 1 Россия рубли | ▼ | 54,40 |
| 1 Украина гривнаси | ▲ | 219,05 |

«XXI ASR» ● 2011 йил 29 сентябрь, пайшанба, 39 (411)-сон, e-mail: xxi_asr@mail.ru



web sayt: www.21asr.uz

# Халқаро тажрибадан — мукаммал қонунчиликка



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 25 августда қабул қилинган "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан эса тадбиркорлик фаолиятининг турли соҳаларидаги 50 дан зиёд рухсат бериш тартиб-қоидалари бекор қилингани бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилганини англатади. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур қарорга кўра импорт ва экспорт контрактини ҳисобга қўйиш ҳақидаги гувоҳномани, кичик бизнес субъектларига ташқи бозорларга чиқишни соддалаштирувчи импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш карточкаси талаби қисқартирилишининг ўзи йилига 5 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағни тежаш имконини беради. Ушбу маблағ эса харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хомашё базасидан бошлаб тайёр маҳсулотлар экспортини қамраб олувчи ишлаб чиқариш жараёнини янада ривожлантиришда ўрта синф вакиллари учун кенг имкониятлар яратади. Натижада, ишлаб чиқарилаётган товарлар, иш ва хизматлар рақобатбардошлиги ошади, мамлакатнинг экспорт салоҳияти эса янада юксалади.

Маълумки, Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида тайёрланаётган янги қонун лойиҳаларида ҳам бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга асосий эътибор қаратилмоқда. Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан иккинчи ўқишга тайёрланаётган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"-ги қонун лойиҳаси ҳам ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф қилишга хизмат қилиш билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, O"zLiDeP фракцияси аъзоси С.Жабборовнинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳаси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинадиган рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларнинг қатъий рўйхатини белгилайди. Шу боис уни тайёрлашда шу кунгача амалда бўлган яъни рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар қайта инвентаризациядан ўтказилди. Муҳокамалар натижасида амалдаги 383 та ҳужжатнинг 112 таси бугунги кун талабларига жавоб бермай қолгани ҳамда бир-бирини такрорлаётгани учун қонун лойиҳасидан чиқариб ташланди. Янги тартибга кўра, эндиликда рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатлар сони 271 тани ташкил этади. Уларнинг соҳалар бўйича тавсифланиб, алоҳида ажратилгани эса мулкдорларнинг янада эркин фаолият юритишини таъминлайди.

Фракция аъзоларининг таъкидлашича, лойиҳанинг асосий хусусиятларидан яна бири рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг аризаси ва уни кўриб чиқиш муддатларини аниқ белгилаш кўзда тутилаётганидир. Эндиликда тадбиркорлик субъекти томонидан фаолиятнинг маълум тури бўйича рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза топширилгандан кейин белгиланган муддатда унга жавоб қайтарилмаса, тадбиркор ўз фаолиятини бошлаши мумкин бўлади. Бунда фақат ваколатли органига хабарнома юборишнинг ўзи кифоя.

O"zLiDeP электорати вакиллари учун ўта муҳим бўлган ушбу лойиҳани тайёрлаш жараёнида Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва фракция аъзолари жойларда тадбиркорлар иштирокида қатор тадбирлар ўтказдилар. Шу кунгача 10 дан ортиқ ҳудудларда ўтказилган амалий семинар ва давра суҳбатларида ушбу лойиҳани такомиллаштириш юзасидан кўплаб таклифлар жамланди. Фракция аъзоларининг фикрича, бундай амалиёт қонун лойиҳасининг мукаммаллашувига хизмат қилади.

Халқаро молия корпорацияси консультанти Флорентин Бланкнинг таъкидлашича, тадбиркорлик соҳасидаги рухсатномалар бериш тартибларининг ягона қонунда акс эттирилиши тадбиркорлар сонининг ортиши билан бирга улар фаолиятининг ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўзаро соғлом рақобат муҳитини яратиб, бозорга ҳам арзон, ҳам сифатли маҳсулотлар чиқарилишини таъминлайди. Халқаро қонунчиликнинг «ягона дарича», «сукут аломати ризо» каби тамойилларига таяниб ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси қабул қилинса, ўзбекистонлик тадбиркорларнинг ташқи бозорлардаги мавқеи янада мустаҳкамланади. Шу билан бирга қонуннинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистоннинг шу йўналишдаги қонунчилик фаолиятини Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидагина эмас, балки дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатларида ҳам бир поғона баландга кўтарилишини таъминлайди.

Жанубий Корея Республикаси кичик бизнес корпорацияси эксперти Жун Хо Ли эса Ўзбекистонда мулкчилик таркибида кескин ўзгаришлар рўй бераётганини таъкидлади. Унинг фикрича, бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулк асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бундай устуворлик берилиши Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланганини кўрсатади.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратилаётгани амалда катта самаралар бермоқда, – деди, Жун Хо Ли. – Ўзбекистон ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир замонавий усулларни босқичма-босқич жорий этмоқда ва мамлакатда кичик бизнес жадал ривожланиши учун мустаҳкам асослар яратмоқда.

Жаҳон банкининг Тошкентдаги вакили Искендер Трушин эса Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилаётган қонунчилик ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши хусусий сектор фаолиятини янги босқичга олиб чиқади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шу йўсинда тараққий этиши яқин вақт ичида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 60-80 фоизга етишини таъкинлайди.

Япония халқаро ҳамкорлик бўйича агентлигининг ҳуқуқий ислоҳотлар маслаҳатчиси ЙоСуке Шамото эса Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча шароитлар яратилганини таъкидлади.

— Бу йўналишда қабул қилинган қонунлар соҳани ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга, — деди эксперт. — Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Концепция ва унда акс этган талабларни ҳаётга изчил татбиқ этиш тадбиркорлик субъектлари олдидаги бюрократик тўсиқларга барҳам бериш ва улар эркинлигини таъминлашга хизмат қилади.

Халқаро анжуманда шунингдек, рухсат берувчи ҳужжатлар беришни соддалаштириш, давлат назорати ва бошқаруви тизимини барқарор ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш механизмларини яратиш бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

қуйи бўғинларда ▼

## Қонун лойиҳаси ҳудудларда муҳокама қилинмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

Бунда ҳатто энг чекка ҳудудлардаги электорат вакилларини ҳам қамраб олишга ҳаракат қилинмоқда. Хоразмлик тадбиркорлар билан ўтказилган ушбу тадбир эса ана шуларнинг биридир.

Давра суҳбатида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши рухсатномалар бериш тизимидаги асосий тамойилларни ўзида мустаҳкамлаши ва давлат бошқаруви органлари фаолиятида тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган суиистеъмолликларни камайтиришга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда аҳамиятли эканлиги қайд этилди.

Вилоятдаги «Мегасфера» мебель ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти раиси М.Ваисовнинг таъкидлашича, мамлакатимиз ишбилармонлари учун яратилган муҳит тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланишида асосий омил бўлмоқда. Мазкур ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлаган пайтда бор-йўғи 4 нафар ходим ишлаган бўлса, бугун улар сони 43 нафарга етди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати бир неча баробарга ўсиб, олинаётган даромад кундан-кунга ошиб бораяпти. Буларнинг барчаси тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар самарасидир.

— Янги қонун лойиҳасида назарда тутилаётган қоидалар тадбиркорлик субъектларига қўшимча имкониятлар бериши шубҳасиз, — деди тадбиркор. — Хусусан, унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинадиган рухсатнома хусусиятига эга бўлган ҳужжатларнинг қатъий рўйхати белгилаб қўйилмоқда. Бундан ташқари, лойиҳада «бир дарча» тамойилини қатъий жорий қилишни кўзда тутувчи қоидалар киритилаётгани айниқса муҳимдир. Бунда ҳужжатларни расмийлаштириш давлат идоралари ўртасидаги келишув асосида амалга оширилиб, тадбиркорлик субъектларининг ортиқча вақт сарфлашининг олди олинади. Бу эса хусусий сектор вакиллари фаолиятини янада осонлаштиради.

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати раҳбари Ф.Ҳатамовнинг таъкидлашича, партиянинг электорат фикрини ўрганиш бўйича тизимли саъй-ҳаракатлари фракция аъзоларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилади, албатта. Чунки электорат вакилларининг фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш ва қонун лойиҳаси бўйича уларни эшитиш асосий ёндашувни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Натижада депутатлар ўз сайловчилари манфаатини қуйи палатада янада самарали ҳимоя қилиш имконига эга бўладилар.

Тадбирда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланиб, улар атрофлича муҳокама қилинди.

# Фармон ижроси учун масъулмиз



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄ ◄

**Абулфайз САЙДАСҚАРОВ,**
«XXI ASR»

Бундан **10** йил аввал тижорат банклари томонидан тадбиркорларга **103** млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич **2** трлн. **700** млрд. сўмдан ошиб кетди.

Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейи мажлислар залида ўтказилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга қулай муҳит ва шарт-шароитлар яратиш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти» мавзуидаги давра суҳбатида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги партия фаоллари бўлган ишбилармон аёллар Ўзбекистон Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси масъул ходимлари билан юзма-юз мулоқот орқали ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича батафсил маълумотлар олиш имконига эга бўлдилар.

— Бугунги тадбирдан кўзда тутилган мақсад Юртбошимиз фармонининг мазмун-моҳиятини электоратимиз вакилларига етказишдир, — деди тадбирда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Мухлиса Акрамова. – Зеро, мазкур фармон ва қарор мамлакатимизда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратишга қаратилган муҳим воқеалардан бири бўлди. Ушбу тарихий ҳужжатлар ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, соҳада учраётган муаммо ва тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади, албатта.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Ўзбекистонда яратиб берилаётган имкониятлар айни пайтда ўрта қатлам вакилларининг давлат ва жамият олдидаги ижтимоий масъулиятини ҳам оширади.

— Бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши тарафдориман, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Клара Жумамуратова. — Чунки айнан шундай тадбирларда электорат вакилларининг фикр-мулоҳазаларини яқиндан ўрганиш, улар асосида қонунчилик ташаббусларини илгари суриш имкониятига эга бўламиз.

Давра суҳбатида хусусий сектор субъектларига кредитлар ажратишда учраётган айрим муаммолар ва уларнинг ечими хусусида мутахассислар томонидан атрофлича тушунчалар берилди.

— Тадбиркорлик фаолияти учун энг муҳим омиллардан бири бўлган кредитлаш тизими такомиллашиб, ажратилган кредит маблағлари миқдори йил сайин ортиб бормоқда, – деди Марказий банкнинг Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори Актам Сайфуллаев. — Айтайлик, бундан 10 йил аввал тижорат банклари томонидан тадбиркорларга бор-йўғи 103 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлса, биргина ўтган йилда бу кўрсаткич 2 трлн. 700 млрд. сўмдан ошиб кетди. Янги тартибга кўра кредит бўйича мурожаатларнинг кейинги тақдирини назорат қилиш учун энди улар махсус рўйхатга олинади. Аризаларни кўриб чиқиш муддати 3 кун белгиланганлиги эса тадбиркорлар учун яна бир қўшимча қулайликдир.

Давра суҳбатида, шунингдек, солиқ сиёсатидаги янгиликлар хусусида ҳам батафсил маълумот берилиб, иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

ишбилармонлик ▼

## 15 СОТИХДА 1,5 ТОННА ҲОСИЛ ОЛИШ МУМКИНМИ?!

**Ғузор туманидаги Оқтош маҳалласида истиқомат қилувчи Қурбон ака Абдуллаев 15 сотих майдондаги маккажўхоридан 1,5 тоннадан кўпроқ ҳосил олди.**

**— Тошкент маккажўхоричилик илмий-тадқиқот марказидан олинган «Эркин» ва «Муҳаббат» навларини шу марказ олимлари кўрсатмаларига асосан чанглантириш орқали янги «Ўзбекистон-601» навини яратдик, — дейди тадбиркор. — Бу нав бошқаларидан серҳосиллиги билан ажралиб туради. Унинг ҳар гектаридан 15-20 тонна маккажўхори дони олиш мумкин.**

**Миришкор деҳқон бундан ташқари ўз ҳовлисидаги мўъжаз боғда 1 тонна узум, 1,5 тонна олма, 200 килограмм шафтоли ва 20 килограмм бодом етиштириб, ўз маҳалладошларини лол қолдирди.**

янги маҳсулот ▼

## ЙИЛИГА 20 МЛН. КВ. МЕТР




**Когон шаҳрида йилига 20 млн. квадрат метр деворбоп гипскартон ишлаб чиқарадиган «Кнауф Гипс Бухоро» МЧЖ чет эл компаниясининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

**UzDaily.uz сайтида хабар қилинишича, мазкур корхона юқори сифатли, яъни ўтга ва намликка чидамли Knauf гипскартонларини ҳатто хорижга экспорт қилишни ҳам режалаштирмоқда.**

**Маълумотларга кўра, бундан 1,5 йил аввал ҳаётга татбиқ этила бошланган ушбу лойиҳага 51,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилинган. Аҳамиятлиси, янги корхона учун зарур бўлган хом ашёни заводдан 5 км. узоқликда жойлашган Knauf карьеридан олиш кўзда тутилган.**

**Шу ўринда Германиянинг айнан ана шу корхонаси ташаббуси билан 2009 йилда ташкил этилган «Бухорогипс» қўшма корхонасида тўрт хилдаги гипсли қуруқ қурилиш аралашмалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини айтиб ўтиш жоиз.**




# Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

***қадрдон устозларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади. Ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, Ватанга муҳаббат ва юртга садоқат руҳида тарбиялашдек шарафли ишда сизларга омад ёр бўлсин, азиз устозлар!***

# СЎНГГИ САҲИФА

web сайт: www.21asr.uz

ОФК кубоги



## Мурод Зуҳуров «Насаф»ни яримфиналга олиб чиқди

**МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИМИЗНИНГ БРОНЗА МЕДАЛИ СОВРИНДОРИ — ҚАРШИНИНГ «НАСАФ» КЛУБИ ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ (ОФК) ЧОРАК ФИНАЛ БАҲСЛАРИНИНГ ИККИТА ЎЙИНИ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА, «ЧОНБУРИ» (ТАИЛАНД) КЛУБИНИ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТИБ, МАЗКУР МУСОБАҚА ЯРИМФИНАЛИГА ЙЎЛ ОЛГАН ДАСТЛАБКИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАМОАСИГА АЙЛАНДИ**

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI ASR»

Тан олиш керак: «Насаф» мухлислари икки ҳафта аввал Таиландда кечган учрашувда 1:0 ҳисобида ғолиб бўлган Анатолий Демьяненко шогирдларининг жавоб беллашувида янада яхшироқ натижага эришишларига шубҳа қилмагандилар. Аммо Қарши марказий стадионига йиғилган 15000 нафар мухлис «аждарлар»нинг ўйин тақдирини ўз фойдаларига ҳал этишларини икки соатдан ортиқ кутишга мажбур бўлдилар.

Мезбонларнинг ҳужумлари билан бошланган биринчи бўлимда «Насаф»нинг маълум муддатдан сўнг майдонга қайтган туркманистонлик легионери Артур Геворкян, шунингдек, черногориялик Иван Бошковичда бир неча бор дарвозани ишғол қилиш имконияти бўлди. Бироқ аксарият ҳолларда «Чонбури»ни жамоанинг моҳир дарвозабони Синтавичай Хатайраттанакул қутқариб қолган бўлса, баъзи вазиятларда футболчиларимизга омад етишмади.

Иккинчи таймнинг дастлабки дақиқаларидаёқ ҳар икки томон вакиллари ҳисобни очиш учун қулай имкониятга эга бўлдилар. Хусусан, қашқадарёликларнинг латвиялик легионери Андрей Переплёткинснинг зарбасини меҳмонлар посбони қайтарган бўлса, кўп ўтмай, таиландликлар вакили Эспарза Антони ҳамюртларимизнинг бўш қолган дарвозасини нишонга ола билмади. Шунга қарамай, 54-дақиқада «Чонбури» футболчилари ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Бурчакдан етказиб берилган тўпни қабул қилиб олган меҳмонларнинг бразилиялик аъзоси Ней Фабиану қийин вазиятда турган бўлса-да, Мурод Зуҳуровни доғда қолдирди. Шу тариқа икки ўйин кўрсаткичларига кўра, ҳисобни тенглаштирган чонбуриликлар тўлиқ ҳимояланишга ўтиб олдилар. Вазиятни ўйиннинг асосий вақтида тўғрилашга ҳаракат қилган А.Демьяненко майдонга Кенжа Тўраев ҳамда Илҳом Юнусов каби янги кучларни туширди. Бироқ ўйиндаги ҳисоб учрашувнинг қўшимча вақти якунлангунга қадар, яъни 120-дақиқагача ўзгармади.

Пенальтилар серияси эса таиландлик футболчилар томонидан йўлланган иккита зарбани қайтарган дарвозабон Мурод Зуҳуровнинг қаҳрамонлиги эвазига «Насаф» фойдасига якунланди.

Эслатиб ўтамиз: қаршиликлар яримфиналнинг дастлабки учрашувини жорий йилнинг 4 октябрида ўз майдонларида Иорданиянинг «Ал Виҳдад» жамоасига қарши ўтказадилар.

экология

## Оролбўйининг янги «яшил камар»и

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЕРУНИЙ ВА АМУДАРЁ ТУМАНЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ДАСТЛАБКИ ДАВЛАТ БИОСФЕРА РЕЗЕРВАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА КИРИШИЛДИ**

БМТнинг Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш дастури тамойилларини амалга ошириш, шунингдек, Амударё дельтасида табиий тўқай ресурсларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва улардан барқарор фойдаланишни таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 26 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Қуйи Амударё давлат биосфера резервати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.



— Маълумки, Орол фожеасидан сўнг ҳудуддаги бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга бўлган тўқайли ўрмонларнинг катта қисми қисқариб кетди. Шунга қарамай, воҳани қуёшнинг жазирама иссиғидан, қишда эса қумли бўронлардан сақлаб қолаётган 6462 гектарли собиқ Бадай-Тўқай қўриқхонаси ҳудудини кенгайтириш орқали янги биорезерват ташкил этишга қарор қилинди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлат бионазоратининг бўлим бошлиғи Ўлмас Собиров. — Бундан ташқари, 1995 йилда «Биологик хилма-хиллик ҳақида»ги Халқаро Конвенцияга аъзо бўлган мамлакатимиз муҳофазаланадиган ҳудудларни республикамиз умум майдонининг 10 фоизига етказиш мажбуриятини ҳам олган.

68717 гектар ҳудудга эга биосфера резервати эса «қўриқхона», «буфер» ва «иқтисодий» зоналарга ажратилади. Хусусан, қатъий режимда муҳофазаланадиган қўриқхона ҳудуди эса 11568,3 гектардан иборат бўлиб, ушбу зона табиат объектлари ва комплексларини тўлиқ сақлаб қолиш, илмий тадқиқотлар ва мониторинг олиб боришга мўлжалланган. Шу боис ҳудудда давлат қўриқхоналари режими ўрнатилади ва ҳар қандай хўжалик фаолияти таъқиқланади.

50418,1 гектардан иборат иқтисодий ҳудуд эса биосфера резерватидаги табиат объектлари ҳамда комплексларига зарар келтирмайдиган хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга мўлжалланган. Унда маҳаллий аҳоли пунктлари ва турли иқтисодий, ижтимоий-маиший ва маданий-тарихий объектлар жойлашиши мумкин. Гарчи ҳудудда табиатдан фойдаланишда ҳеч қандай янги чекловлар бўлмаса-да, унда тўқай ресурсларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган фаолият ривожлантирилади ва аҳоли бир вақтнинг ўзида ҳам шахсий талаб-эҳтиёжларини қондириш, ҳам табиатни асраш имкониятига эга бўлади.

танлов

### ЭНГ ЯХШИ ИНТЕРНЕТ-КАФЕ АНДИЖОНДА

Аввал хабар берганимиздек, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан мамлакатимизда «Ўзбекистоннинг энг яхши интернет-кафеси» танлови ўтказилди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан хабар қилинишича, «Ахборот асри ёшлари» шиори остида ташкил этилган кўрик давомида совринли ўринлар учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг жами 40 та интернет шохобчаси иштирок этган.

Қатнашчиларни баҳолашда, авваламбор, «қаҳвахона»нинг амалдаги қонунлар асосида фаолият юритаётгани, интернет-кафе техникаси, муассаса дизайни, шунингдек, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизмат даражасига эътибор қаратган ҳайъат аъзолари Андижон вилоятидаги «Жаҳон информация маркази»ни танлов ғолиби, деб эълон қилдилар. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса тегишли равишда Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган «Kristal Elektroniks» ҳамда Навоий вилоятидаги «Sigma Vesta Trading» МЧЖларига қарашли интернет-марказлари банд этди.

Аҳамиятлиси, ғолиб ва совриндор «кафе»лар махсус дипломлар билан тақдирланишидан ташқари, «Ўзтелеком» АК томонидан тақдим этилган интернет тармоғидан бир йил давомида бепул фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

сана

### ССП — 7 ЁШДА!

23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ташкил этилганига етти йил тўлди. Ўтган давр мобайнида ССП ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ўз атрофига нафақат кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, балки йирик корхоналар, банк ва суғурта институтлари, лизинг компаниялари, шунингдек, тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг турли жабҳаларини қамраб олган бир қатор хўжалик субъектларини бирлаштира олди.

— Палата қисқа давр ичида Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлана олди, — деди ушбу сана муносабати билан палатанинг расмий сайти орқали кўп сонли ҳамкасблари ва ҳамкорларига табрик йўллаган ССП раиси Алишер Шайхов. — Шуни ишонч билан айта оламанки, айни пайтда қарийб 21 минг нафар тадбиркорлик субъектини бирлаштириб турган жамоа бугун ўз олдига қўйилган улкан режаларни рўёбга чиқара оладиган, жумладан, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини янада ошириш ҳамда жамиятнинг муҳим ижтимоий муаммоларини ҳал этиш каби эзгу мақсадларни амалга оширишга қодир бўлган кучга айланди.




Ўлкамизга кириб келган олтин куз фаслининг сўнгги ҳафтаси поёнига етмоқда. 29 сентябрь — 6 октябрь кунлари республикамизда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиши кутилмоқда.

Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбий шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 10-15, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳарорат кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳаво ўзгариб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси 12-17, кундузи 28-33 даражани қайд этиб, шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёмғир ёғмайди. Шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади Ҳарорат кечаси 10-15, кундузи 24-29 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво бироз ўзгарувчан бўлиб, ҳафта сўнггида ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Термометр кўрсаткичлари кечаси 11-16, кундузи 25-30 даражани қайд этади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат 29 сентябрда кечаси 5-10, кундузи 15-20, 30 сентябрдан 2 октябргача кечаси 8-13, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

ҳафталик

### «ART WEEK STYLE.UZ»НИ ОЧИШ «ОСКАР» СОВРИНДОРИ ЭННИО МОРРИКОНЕГА ТОПШИРИЛДИ

Жорий йилнинг 23 октябрь куни «Ўзбекистон» халқаро форумлар саройида италиялик таниқли бастакор Эннио Морриконе ижросида катта концерт дастури бўлиб ўтади. Fundforum.uz сайтида хабар қилинишича, мамлакатимизда олтинчи маротаба ташкил этилаётган «Art Week Style.uz» санъат ҳафталигини очиб берадиган ажойиб концерт Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри билан ҳамкорликда уюштирилади. Маълумотларда маэстро Морриконе концерти учун чиқарилган чипталарнинг тенг ярми тадбир ташкилотчилари томонидан иқтидорли санъатсевар ёшларга бепул тарқатилиши таъкидланаяпти.

Маълумки, замонамизнинг энг машҳур бастакорларидан бири сифатида ном қозонган Морриконе ўзининг ярим асрлик фаолияти мобайнида Италия, Испания, Франция, Германия, Буюк Британия, Россия ва АҚШда суратга олинган 480 дан ортиқ фильм ва телесериаллар учун бетакрор мусиқа асарлари яратиб берган. Бу йил 83 ёшни қаршилаганига қарамай, ҳали ҳам ижод маҳсуллари билан ўз ихлосмандларини лол қолдиришда давом этаётган моҳир санъаткор жаҳон кино санъати ривожига қўшган ҳиссаси учун 1992 йилда Венеция кинофестивалининг «Олтин шер», 2007 йилда эса АҚШ киноакадемиясининг «Оскар» мукофотларига лойиқ топилган. Бундан ташқари, бир неча маротаба «Олтин глобус», «Гремми» ҳамда Буюк Британия киноакадемияси совринлари билан тақдирланган.

тақиқ



### ПАРЛАМЕНТ ТАЛАБИ ҚАТЪИЙ: КАТАЛОНИЯ КОРРИДА БИЛАН ХАЙРЛАШАДИ

Якшанба куни Барселона шаҳридаги 20 минг кишига мўлжалланган стадионда Испаниянинг Каталония музофоти тарихидаги сўнгги коррида — буқалар билан олишув томошалари бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоиз: ҳайвонларни ҳимоя қилувчиларнинг 180 минг имзоси билан тақдим этилган мурожаатлари асосида мамлакат парламенти 2010 йил ёзида испанларнинг кўп асрлик мазкур анъанасига 2012 йилнинг 1 январигача батамом чек қўйиш бўйича қарор қабул қилган эди. Шу тариқа Каталония Испаниянинг коррида беллашувлари бекор қилинган биринчи музофотига айланади.

Хабарларга кўра, шу куни торреодорлар томонидан олтита буқанинг таслим этилишига гувоҳ бўлган коррида тарафдорлари ушбу тақиқни «Пикассо асарларини ахлатга ташлаш» ҳодисасига тенглаштирмоқдалар.







XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асҳор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.
БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ. МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖЎРАЕВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 2807. Тираж: 9 483
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Қ.САЙДАЛИЕВ, Ш.ХЎЖАЕВ.